

Брунейда Қуръон мусобақасининг ярим финали бошланди



15:40 / 09.01.2019 1779

Бруней давлатининг Дин ишлари бўйича вазирлиги томонидан ҳар йили Қуръони карим мусобақаси ўтказиб келинади.



Куни кеча Беракс шаҳридаги Халқаро мулоқотлар марказида ўспирин ёшидаги қорилар ўртасидаги Қуръон мусобақасининг ярим финали бошланди, деб хабар беради IQNA.

Маълум бўлишича, мусобақанинг ярим финалида 56 та қори иштирок этмоқда. Улардан 26 таси ҳудудий танловларда ғолибликни қўлга киритган қорилар бўлса, қолган 30 нафари ўтган йилги Қуръон мусобақасининг ярим финали ғолибларидир. Мазкур финалнинг ғолиблари эртага 10 январь куни маълум бўлади.

Islom.uz